

## ТАЛАБАЛАРГА БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИДА ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Шарофатхон Рўзматова Тошматжоновна

Чирчиқ давлат педагогика университети Биология кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада, олий таълим муассасаларида биология фанини ўқитиш тизимида индивидуал таълимнинг ўрни ва роли, ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Педагогикада индивидуал таълим қонуниятлари асосида ўқитиш тажрибаси қадимдан шаклланган. Шу боис, биология фанини ўқитишда индивидуал таълимнинг ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлил қилинган. Айниқса, индивидуал ёндашувни тадбиқ қилишдаги педагогик талаблар ҳам ўрганилган. Юқоридаги масалалар юзасидан илмий хуросалар ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Биология, педагогика, олий таълим, ўқитувчи, талаба, индивидуал таълим, ўқув жараёни, ўқув машғулоти

**Аннотация.** В статье освещены место и роль индивидуального образования в системе преподавания биологических наук в высших учебных заведениях, его специфические аспекты. В педагогике с древнейших времен формируется опыт преподавания, основанный на законах индивидуального обучения. Поэтому анализируются положительные и отрицательные стороны индивидуального обучения при преподавании биологии. Также изучены педагогические требования к применению индивидуального подхода. По вышеуказанным вопросам даны научные выводы и рекомендации.

**Ключевые слова:** Биология, педагогика, высшее образование, преподаватель, студент, индивидуальное обучение, учебный процесс, учебная подготовка.

**Abstract.** In the article, the place and role of individual education in the teaching system of biological science in higher education institutions, its specific aspects are highlighted. In pedagogy, the experience of teaching based on the laws of individual education has been formed since ancient times. Therefore, the positive and negative aspects of individual education in the teaching of biology are analyzed. Pedagogical requirements for the application of an individual approach have also been studied. Scientific conclusions and recommendations are given on the above issues.

**Key words:** Biology, pedagogy, higher education, teacher, student, individual education, educational process, educational training.

### КИРИШ

Хозирда педагогикада индивидуаллаштириш ва табақалаштириш тушунчалари кенг қўлланилади. Бундай ёндашув ўзбек халқи таълим тизимида асрлар давомида

мавжуд бўлган. Ўтмишда мактаб, мадрасаларда таълим олувчиларга алоҳида ёндашилган ҳолда, уларнинг қизиқишлари ва интилишларини ҳисобга олиб таълимтарбия берилган. Ҳар бир таълим олувчининг муайян мавзуни билиш имкониятлари ва ўзлаштириш даражалари аниқлангандан кейин унга навбатдаги топшириқ берилган. Биология фанини ўқитишда индивидуал ёндашувни тадбиқ қилишда унинг йўллари, усуллари, ўқитиш мароми, талабаларнинг ўзига хос фарқли жиҳатлари, уларнинг ривожланганлик даражалари ва ўқиш лаёқатлари алоҳида ҳисобга олиниши лозим. Ўқитувчи фаолиятининг индивидуал услуги касбга қўйиладиган талаблар ва уларни амалга ошириш учун индивидуал имкониятларнинг комбинацияси билан тавсифланади, бу ўқитувчининг касбий малакасини ва педагогик ўзаро муносабатларда ва умуман педагогик фаолиятда муваффақиятга эришиш қобилиятини тавсифлайди. Педагогик фаолият, аксарият фаолият каби, муроқот ва ўзаро таъсир шароитида амалга оширилади. Шунинг учун, биринчи навбатда, ўқитувчи фаолиятининг индивидуал услуги «ўқитувчи-шогирд» тизимидағи педагогик муроқот услугини ифодалайди.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР.**

Э. А. Климов, Б. С. Мерлин ўқитувчининг педагогик фаолиятининг индивидуал услуги мавжудлигини унинг юқори даражадаги фаолият субъекти сифатида кўтарилиши билан боғлайди. E.V.Malofeev, A.V.Rudenko, V.A.Stepanov маълум даражадаги назарий билим ва амалий кўникмаларни индивидуал фаолият услубида кўришади. В. И. Загвязинский, В. А. Кан-Калик ўқитувчининг индивидуал услубини интеллектуал ташаббус, топширилган муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос усули билан боғлайди; A.K.Markova ва E.P.CHernichkina педагогик фаолиятнинг индивидуал услубини ўқитувчининг алоҳида педагогик услуги, унинг индивидуал иш услуги сифатида ифодалайди. В.А. Канн-Калик педагогик муроқот услубини «ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ижтимоий-психологик ўзаро таъсирнинг индивидуал-типологик хусусиятлари» деб таърифлаган<sup>109</sup>. Педагогик муроқот услуги ўқитувчининг коммуникатив хусусиятларига, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги муносабатларнинг ўрнатилган характерига, ўқитувчининг ижодий индивидуаллигига, шунингдек, талабалар жамоасининг хусусиятларига боғлиқ.

Ўқитиш услуги остида И.А. Зимняя «ўқитувчи ёки ўқитувчининг мактаб ўқувчиларига таъсир қилиш усуллари»нинг ўзига хос тизимини тушунади<sup>110</sup>. Педагогик фаолият услуги ўқитувчининг ўқувчиларга мурожаат қилишнинг ўзига хос услубини, хусусиятларини акс эттиради. Ўқитувчи томонидан талабаларга нисбатан талаб ва умумий муносабатни тақдим этиш.

Биология фанини ўқитиш жараёнига индивидуал ёндашувни тадбиқ қилиш қўйидаги ҳолатларга кўра амалга оширилади:

<sup>109</sup> Канн-Калик В.А. Учителю о педагогическом общении. – М.: Просвещение, 1987. – 190 с.

<sup>110</sup> Зимняя И.А. Педагогическая психология. – М.: Логос, 2013. – 280 с.

- талабалар гуруҳига хос бўлган эмас, балки ҳар бир талабага хос умумий белгилар ҳисобга олинади;
- ўқув жараёни учун муҳим бўлган ўзига хосликларгина таълимни индивидуаллаштириш жараёнида ҳисобга олинади;
- аксарият ҳолларда таълимни индивидуаллаштириш жараёнида талабаларнинг қобилияtlари ва саломатликларига ҳам эътибор қаратилади;
- ўқув жараёнини индивидуаллаштириш қисман амалга оширилади ва у умумий ўқув вазияти билан уйғунлаштирилади.

## **НАТИЖАЛАР**

Биология фанини ўқитиш жараёнида индивидуал ёндашувни тадбиқ қилишнинг асосий белгиларини ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш учун талабаларга кўпроқ мустақил топшириқлар бериш лозим. шу билан бир қаторда, ўқув жараёнини индивидуал ёндашув асосида ташкил қилинган дарснинг таркибий тузилиши ҳам ўзгаради. Индивидуал ёндашувда таълим жараёни олдига бир қатор мақсадлар қўйилади ва бу мақсадларга эришиши учун ўқув машғулоти бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчирилади.

Биология фанини ўқитиш жараёнига индивидуал ёндашувни тадбиқ қилишда қўйидаги талаблар назарда тутилади:

1. Талабалар фаолиятини умумий тарзда ташхисловчи, башоратловчи, таълимий, билим берувчи, ривожлантирувчи, шакллантирувчи, оптималлаштирувчи;
2. Талабаларни ўзига хос тарзда мослаштирувчи, тузатувчи ва ҳаказолар.

Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва табақалаштиришга оид турли ёндашувларнинг мавжудлигига қарамасдан, мутахассислар қўйидаги талқинга кўпроқ мойиллик билдирадилар:

1) Таълимни индивидуаллаштириш – бу ўқув жараёнини ташкил қилиш, унинг йўллари, усуслари, ўқитиш маромини танлашда талабаларнинг ўзига хослиги, уларнинг ривожланганлик даражаси ва ўқитиш лаёқатини ҳисобга олиш демакдир.

2) Ўқув жараёнини табақалаштириш – ўқув жараёнини ташкил қилишда талабаларни муайян ўзига хос жиҳатларига кўра алоҳида ўқитиш имконини берувчи гуруҳларга ажратиш демакдир.

Индивидуал таълим – ўқитувчининг талабага педагогик таъсирини амалга оширувчи ўқув машғулотлари шаклларидан бири. Ўқитувчининг талаба билан гуруҳ жамоасидан ташқари олиб бориладиган фаолияти тушунилади. Индивидуал таълим таълим шаклларининг энг қадимииси бўлиб, у қадимги давр ва ўрта асрларда кенг қўлланилган.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигини қўлга тирилгач, индивидуал таълимга эътибор сезиларги тарзда ортганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, коллеж ва олий ўқув юртларига киришнинг тест тизими жорий қилиши индивидуал таълимнинг репетиторлик шакли ривожланишига туртки бўлди.

## МУҲОКАМА

Индивидуал таълим – бу инновацион ўқитиш үсули бўлиб, бунда ҳар бир талаба ўзлари учун махсус ишлаб чиқилган ўқув дастури бўйича ўқийдилар. Дарс давомида улар гарчи ўртоқлари билан ўтиришади, бироқ кун давомида ўз вазифаларини бажариш учун асосан якка тартибда ишлайдилар.

Индивидуал таълимда талаба турли вазифаларни шахсийлаштирилган ўқув дастурлари асосда бажаради. Бунда ўқитувчи дарс бермайди, бакли зарурат бўлгандагина ҳар бир талаба учун шахсий кўрсатмаларни таклиф қиласди. Педагоглар индивидуал таълимни амалга қўрмагунча, бу мутлақо мураккаб жараён деб ўйлашлари мумкин. Чунки 30 нафар талабага 30 хил ёрдам беришни тасаввур қиласди, холос. Бироқ, индивидуал ёндашув асосида таълим тажрибасини қандай режалаштириг ва аудиторияда ҳаммасини қандай бошқариш бўйича услубий тавсиялар келтирилади:

### 1. Талаба профилини яратиш.

Талабанинг профили аслида унинг индивидуаллаштирилган ўқув дастурининг асоси ҳисобланади. Бу асосан талабаларнинг барча умидлари ва орзулари, хобби ва қизиқишлари, кучли ва заиф томонлари, афзал ўрганиш үсули, мавзу бўйича мавжуд билимлари, ўрганишларига тўскىнлик қилиувчи омиллар, уларнинг янги маълумотларни ўзлаштира олиш ва сақлаш тезлигининг йиғиндисидир.

### 2. Шахсий мақсадларини қўйиш.

Шахсий мақсадларни қўйиш орқали сиз ва сизнинг талабангиз ўз мақсадларини белгилаш устида жиддий ишлашлари мумкин. Сиз курс давомида талабаларнинг ушбу мақсадлари сари эришган ютуқларини мунтазам текшириб турасиз, бу муваффақият қандай текширилишини талаба ҳам кузатиш имкониятига эга бўлади.

### 3. Ҳар бир дарсда ўз-ўзини бошқариш фаолиятини яратиш.

Индивидуал ўқув фаолиятини режалаштираётганда, аслида ҳар бир талаба мустақил равишда бориши мумкин бўлган тайёрланган топшириқларни режалаштирасиз. Бу индивидуал таълимнинг үсулларини энг кўп меҳнат талаб қиласиган қисми бўлиб, ҳар дарсда тақрорлаш лозим.

### 4. Жараённи текшириш

Индивидуал ўқитиш жараёнининг илк босқичида талабаларнинг муваффақиятларини иложи борича тез-тез текшириб туриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Индивидуал ўқитиш жараёни тўғри йўлга қўйилганлигига ҳамда талабалар ҳақиқатда янги үсулда ишлаш жараёнида ўз имкониятлари ортиб бораётганлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Шуни ёдда тутиш лозимки, методнинг бир қисми талабаларга ёзма тест, курс иши, тенгдошларини текшириш, викторина кўринишда бўлиши мумкин ҳамда талабаларни қандай баҳолашини танлаш имконини беради. Талабалар қандай баҳоланиши билишлари учун олдиндан белгилаш тизимига риоя қилиш лозим. Вазифани тугатгандан кейин, уларнинг ўз

мақсадларига қанчалик яқын ёки узоқ муддатли эканлигини таҳлил қилиш керак ва талабаларга тушунтириш лозим.

## **ХУЛОСА**

Индивидуаллаштирилган таълимнинг ижобий тарафлари:

1. Дарс жараёнига фаол бўлиш ҳохишини ортиб бориши. Табиийки, талабаларнинг шахсий оптималь шароитларда таълим олишида вақтдан унумли фойдаланиш усулини ўзлаштиради. Талабаларнинг бошқалар билан ишлаш принциплари фоллашади. Ўзлари ва педагогик фаолиятнинг талабалари асосида тезлик билан ўрганиш имкониятларини яратиб олади.

2. Эгалик ҳиссининг ортиши. Талабаларнинг ўз индивидуал ўқув дастурларига жалб қилиниши, уларга ўз таълимларига нисбатан улкан эгалик ҳиссини пайдо қилади. Оқибатда, талабаларда ўз таълимими назорат қилиш ва уни тўғри йўлга йўналтириш эркинлиги рағбатлантирилади.

3. Мослашувчанлик. Агар сиз бутун гуруҳингиз учун индивидуал ўқув дастурларини яратиш ва амалга ошириш имкониятига эга бўлмасангиз, талабаларга қаратилган бир нечта тадбирларни ташкил қилишингиз мумкин. Шунда уларнинг вазифага қанчалик киришиб кетганлигига ҳайратингиз ортади.

4. Эркин бўлиши. Ўзини таҳлил қилишни ўргатиш катта маҳорат талаб қилади, бироқ индивидуаллаштирилган таълим жараёни вақт ўтиши билан бу маҳоратни ривожлантиради. Натижада, талабалар ўзларини бошқаришлари, ўзларини таҳлил қилишлари ва самарали тадқиқ қилишларининг энг яхши усулларини аниқлаш имкониятини беради.

Индивидуаллаштирилган таълимнинг салбий жиҳатлари:

1. Индивидуаллаштиришда ҳар доим чегара мавжуд. Тадқиқ қилишнинг иложи борича индивидуаллаштиришингиз мумкин, бироқ агар биология фанида йил охирида ўтказиладиган имтихонларга ёрдам берадиган билимларни ўргатишиңгиз лозим бўлади. Бундан ташқари, бир нечта талаба биология фанини ёқтирмаса, унда уларга индивидуал таълим беришга тўғри келади. Талабалар буни зерикарли хисоблашишлари мумкин.

2. Бу сизнинг кўп вақтингизни олиши мумкин. Педагогик фаолият вақтни тўғри тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга хисобланади. Ҳар бир талаба билан индивидуал ёндашув асосида таълим берсагиз, унда вақтингизни тақсимлашдаги муаммоларни бартараф этишиңгиз ёки бу ишни шахсий иш режангизга киритишга тўғри келади. Ҳар бир талаба учун индивидуал кундалик дарслар яратишга вақт сарфлаш имконитларини ортиб боради.

3. Талабани ёлғиз машғулот ўтиши, уни зериктириши ёки ўзини ёлғиз ҳис қилиши мумкин. Индивидуаллаштирилган ўқув аудиторияси талабалар асосан ўқув дастурлар бўйича ривожлантирилади. Ўқитувчи ва курсдошлари билан камроқ муносабатда бўлади. Бу эса мотивация учун ҳавфли бўлиши мумкин.

5. Ҳар бир дарсда ўз-ўзини бошқариш фаолиятини яратиш.

Индивидуал ўқув фаолиятини режалаштираётганда, аслида ҳар бир талаба мустақил равишда бориши мумкин бўлган тайёрланган топшириқларни режалаштирасиз. Бу индивидуал таълимнинг үсулларини энг кўп меҳнат талаб қиласиган қисми бўлиб, ҳар дарсда такрорлаш лозим.

#### 6. Жараённи текшириш

Индивидуал ўқитиши жараёнининг илк босқичида талабаларнинг муваффақиятларини иложи борича тез-тез текшириб туриш мақсадга мувофиқ хисобланади. Индивидуал ўқитиши жараёни тўғри йўлга қўйилганлигига ҳамда талабалар ҳақиқатда янги үсулда ишлаш жараёнида ўз имкониятлари ортиб бораётганлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Шуни ёдда тутиш лозимки, методнинг бир қисми талабаларга ёзма тест, курс иши, тенгдошларини текшириш, викторина кўринишда бўлиши мумкин ҳамда талабаларни қандай баҳолашини танлаш имконини беради. Талабалар қандай баҳоланиши билишлари учун олдиндан белгилаш тизимиға риоя қилиш лозим. Вазифани тугатгандан кейин, уларнинг ўз мақсадларига қанчалик яқин ёки узоқ муддатли эканлигини таҳлил қилиш керак ва талабаларга тушунтириш лозим.

Индивидуаллаштирилган таълимнинг ижобий тарафлари:

5. Дарс жараёнига фаол бўлиш ҳохишини ортиб бориши. Табиийки, талабаларнинг шахсий оптималь шароитларда таълим олишида вақтдан унумли фойдаланиш үсулини ўзлаштиради. Талабаларнинг бошқалар билан ишлаш принциплари фоллашади. Ўзлари ва педагогик фаолиятнинг талабалари асосида тезлик билан ўрганиш имкониятларини яратиб олади.

6. Эгалик ҳиссининг ортиши. Талабаларнинг ўз индивидуал ўқув дастурларига жалб қилиниши, уларга ўз таълимларига нисбатан улкан эгалик ҳиссини пайдо қиласи. Оқибатда, талабаларда ўз таълимини назорат қилиш ва уни тўғри йўлга йўналтириш эркинлиги рағбатлантирилади.

7. Мослашувчанлик. Агар сиз бутун гурухингиз учун индивидуал ўқув дастурларини яратиш ва амалга ошириш имкониятига эга бўлмасангиз, талабаларга қаратилган бир нечта тадбирларни ташкил қилишингиз мумкин. Шунда уларнинг вазифага қанчалик киришиб кетганлигига ҳайратингиз ортади.

8. Эркин бўлиши. Ўзини таҳлил қилишни ўргатиш катта маҳорат талаб қиласи, бироқ индивидуаллаштирилган таълим жараёни вақт ўтиши билан бу маҳоратни ривожлантиради. Натижада, талабалар ўзларини бошқаришлари, ўзларини таҳлил қилишлари ва самарали тадқиқ қилишларининг энг яхши үсулларини аниқлаш имкониятини беради.

Индивидуаллаштирилган таълимнинг салбий жиҳатлари:

4. Индивидуаллаштиришда ҳар доим чегара мавжуд. Тадақи қилишнинг иложи борича индивидуаллаштиришингиз мумкин, бироқ агар биология фанида йил охирида ўтказиладиган имтихонларга ёрдам берадиган билимларни ўргатишингиз лозим бўлади. Бундан ташқари, бир нечта талаба биология фанини ёқтирмаса, унда уларга

индивидуал таълим беришга тұғри келади. Талабалар буни зерикарли хисоблашишлари мүмкін.

5. Бу сизнинг кўп вақтингизни олиши мүмкін. Педагогик фаолият вақтни тұғри тақсимлаш мүхим аҳамиятта эга хисобланади. Ҳар бир талаба билан индивидуал ёндашув асосида таълим берсагиз, унда вақтингизни тақсимлашдаги муаммоларни бартараф этишингиз ёки бу ишни шахсий иш режангизга киритишга тұғри келади. Ҳар бир талаба учун индивидуал кундалик дарслар яратишга вақт сарфлаш имконитларини ортиб боради.

6. Талабани ёлғиз машғулот ўтиши, уни зериктириши ёки үзини ёлғиз ҳис қилиши мүмкін. Индивидуаллаштирилган ўқув аудиторияси талабалар асосан ўқув дастурлар бўйича ривожлантирилади. Ўқитувчи ва курсдошлари билан камроқ муносабатда бўлади. Бу эса мотивация учун ҳавфли бўлиши мүмкін.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Зимняя И.А. Педагогическая психология. – М.: Логос, 2013. – 280 с.
2. Канн-Калик В.А. Учителю о педагогическом общении. – М.: Просвещение, 1987. – 190 с.
3. Клинов Е.А. Индивидуальный стиль деятельности в зависимости от типологических свойств нервной системы. К психологическим основам труда, учения, спорта. Казань: Изд-во КазГУ, 1969.
4. Мерлин В.С. Очерк интегрального исследования индивидуальности. – Москва., 1986.
5. Шмыков В. И, Индивидуальный стиль коммуникативной активности в структуре интегральной индивидуальности осужденных: Дис... канд.психол. наук. – Пермь., 1994.